



КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР СТАЛИНЧА БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

СССР Олий Советига сайловлар кунда ҳаммамиз биржон-биртан бўлиб, халқимизнинг содиқ фарзандлари учун овоз берайлик!

Семен Денисович Игнатъев

Уртоқ Семен Денисович Игнатъев 1904 йилда Украина ССРнинг Кировград областидаги ховриг Кировград районининг Карловка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Уртоқ Игнатъевнинг отаси моддий шароитнинг сир бўлганлиги олдасида 1912 йилда онаси билан бирга, Термиз шаҳрига кўчиб келиш ва пахта тозалаш завоида қорғо йиши, сўнгра Термиз станциясида вагонларга сув қуючи бўлиб ишлаган.



Уртоқ Игнатъев 1914 йилда бошланғич диний мактабга ўқиди. 1914 йилдан 1918 йилгача пахта завоида нефть ташуви, почтада хат ташуви ва магазинда дастёр бўлиб ишлаган. Уртоқ Игнатъев 1918 йилда Когон шаҳрига кўчиб келиш ва темир йўли устaxonасида ишга киришди. Уртоқ Игнатъев 1919 йилда комсомолга кириш ва шу вақтдан бошлаб комсомол ташкилотлари ишда актив қатнашди. У. 1920 йилда комсомол йўли билан сафарбар қилиниб, Бухоро аскарлар грyппаси сибей бўлимига ишга юборилди. Уртоқ Игнатъев 1921 йилда Бухоро Фавқулодда комиссиясининг ҳарбий бўлимига ишга ўтказилди.

Уртоқ Игнатъев 1922 йилда Туркистон комсомол Марказий Комитети ташкилот бўлими музирининг ўринбосари қилиб тайинланди. У. Туркистон Марказий Ижроия Комитети ҳузурда болалар боқим-сизлиги билан кураш комиссияси тузилгандан кейин шу комиссиянинг секретари қилиб тайинланди. Уртоқ Игнатъев 1923 йилдан 1931 йилгача Урта Осиё республикаларидagi касаба союз ташкилотларида мас'ул ва-зифаларда ишлаган.

Уртоқ Игнатъев 1937 йилда ВКП(б) Бурат-Мугуз область комитети ва Улан-Удэ шаҳар комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. У. 1943 йилдан 1946 йилгача ВКП(б) Бошқиристон область комитетининг ва Уфа шаҳар комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган.

Уртоқ Игнатъев 1946 йилда ВКП(б) Марказий Комитети партия органларини текшириш бошқармаси бошчилигининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Уртоқ Игнатъев 1947 йилда Белоруссия К(б)Ш Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди.

Уртоқ Игнатъев 1949 йилда бери ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили бўлиб ишлаган.

Уртоқ Игнатъев 1946 йилда СССР Министралар Совети ҳузуридagi колхоз ишлари Советининг а'зоси қилиб тасдиқланди.

Уртоқ Игнатъев ВКП(б) XVIII с'езиди ВКП(б) Марказий тафтиш комиссиясининг а'зоси қилиб сайланди.

Уртоқ Игнатъев СССР биринчи ва иккинчи чақирғи Олий Совети депутати. Уртоқ Игнатъев Ватан олинган қилган хизматлари учун уч марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, I даража Ватан уруши ордени ва уч медал билан мукофотланган.

Уртоқ Семен Денисович Игнатъев 567-нчи сонли Самарқанд шаҳар сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Мелибой Абдуллаев



Кўкон районидagi Сталин номи колхозининг раиси Мелибой Абдуллаев 1893 йилда Фарғона областининг ҳовриг Кўкон районидagi Қумдўшқоқ бағра оила-сида туғилди. Уртоқ Абдуллаев 1911 йилдан бошлаб бойларнинг эшигида қар-рак бўлиб ишлаш бошлади, сўнгра Кўкон шаҳридаги пахта тозалаш завоида ўт-бар бўлиб хизмат қилди.

Уртоқ Абдуллаев Туркистон Ўзбекистон Совет ҳокимиятини ўрнатилган ва мустақ-камлаш учун курашининг актив иштирок-чиларидан биридир. У. граждaнлар уруши йилларида Фарғона воқиссидagi бошмачи-ликни тугатишга қатнашди. Уртоқ Аб-дуллаев 1918 йилдан 1926 йилгача Кў-конда Фавқулодда комиссияда ишлаган.

1927 йилда Мелибой Абдуллаев ВКП(б) сафига киришди. 1926—1938 йилларида Уртоқ Абдуллаев партия, совет ва хўжалик ташкилотларида раҳбарлик ишларида иш-лаган.

Уртоқ Мелибой Абдуллаев Ўзбекистон-да халқ янгиликни қурилишини ташкил-етиш ташаббускорларидан бири бўлди. Мелибой Абдуллаев Сталин номидаги Кат-та Фарғона канал қурилишида актив иштирок этиш ва кейинча бу каналда иш-га солиш бошқармасининг бошлиғи қи-либ тайинланди. 1941 йилдан 1949 йил-гача Уртоқ Абдуллаев меҳнатқашлар де-

путатлари Кўкон район Совети Ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган. 1949 йилда Уртоқ Абдуллаев Кўкон районидagi Сталин номи колхозга а'зо бўлиб киришди. Кўн ўтмай, уни қишлоқ хў-жалик артеди правленийсининг раиси

қилиб сайланди. Партия қозоқ ҳисоблаган бу қишлоқ хўжалик артеди колхоз ишлаб чиқаришининг таъинлиги ташкил-етилсини Уртоқ Абдуллаевнинг раҳбарлиги остида иқтисодий жиҳатдан мустақам-ланди ва Фарғона воқиссидagi янгор кол-хозлардан бири бўлиб қолди. 1949 йилда Сталин номидаги колхоз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини, ўка-виб бериш ва чорвачиликни ривожланти-риш юзасидан бўлган давлат топшириқ-ларини анча ошириб бажарди.

Уртоқ Абдуллаев Фарғона область ва Кўкон район партия ҳамда совет органла-рининг ишда актив иштирок этишди. У. область ҳамда район меҳнатқашлар, депу-татлари Советларининг депутати, Ўзе-бекистон К(б)Ш область ва район комитет-ларининг а'зосидир.

Совет ҳукумати Уртоқ Абдуллаевнинг қилган хизматларига юксак баҳо берди ва уни уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, II даражали Ватан уруши ордени билан, «Хурмат Белгиси» ордени билан ва «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида кўрсатган шайвотли меҳнати учун» медали билан мукофотланди.

Уртоқ Мелибой Абдуллаев 87-нчи сў-ли Кўкон қишлоқ сайлов округидан Мил-латлар Совети депутатлигига номзод қи-либ рўйхатга олинди.

Сезгир большевик

Михаил Иванович Баскаков 1905 йил-да Москва областига қарашли Уваров районидagi Павловка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди.

Уртоқ Баскаков 1918 йилда, 13 ёши-да Ворсклядаги тахта тилиш завоида слесарь ливонга бўлиб ишга киришди ва 1924 йилгача шу ерда ишлаган. 1923 йилда у комсомолга қабул қилинди. 1925 йилда Уртоқ Баскаков Ворскля қишлоқ со-ветига раис қилиб сайланди ва шу билан бир вақтда маҳаллий комсомол тчейкаси-нинг секретари бўлиб ишлаган.

1926 йилда Михаил Иванович Баска-ков большевиклар партиясига сафига қабул қилинди.

1927 йилда у Қизил Армияга қақир-лиди. Демобилизациядан сўнг, 1929 йилда у Москванинг Замоскворецк районида пар-тия ишда ишлаган. У 1930 йилда Москва Шарқшунослик институтига кир-ди ва уни 1933 йилда тамомлади.

Уртоқ Баскаков 1933 йилдан бери давлат хавфсизлиги органларида ишлай-



ди. Уртоқ Баскаков бирнеча йил давоми-да Карело-Фин ССР давлат хавфсиз-

лиги халқ комиссари бўлиб ишлаган. Уртоқ Баскаков Улуғ Ватан уруши йил-ларида душман томонидан вақтинча бо-сиб олинган районларга немис боқимчи-ларига қарши партизaнлар курашини уюштирди.

Уртоқ Баскаков 1943—1946 йилларида Горький область Давлат хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган.

Уртоқ Баскаков 1946 йилнинг июли-дан бошлаб Ўзбекистон ССР давлат хавф-сизлиги министри бўлиб ишлаган.

Михаил Иванович Баскаков СССР ик-кинчи чақирғи Олий Советининг депу-тати ва Ўзбекистон К(б)Ш Марказий Ко-митети бюросининг а'зосидир.

Уртоқ Баскаков давлат топшириқлари-ни намунали бажаргани учун Ленин ор-дени, Қизил Байроқ ордени, Меҳнат Ки-зил Байроқ ордени билан, учта Қизил Ю-дуз ордени ва олтин медал билан муко-фотланган.

Уртоқ Баскаков 573-нчи сонли Урганч сайлов округидан Иттифоқ Совети депу-татлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

ТОШКЕНТ-ҚИШЛОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

Оҳангарон кончиларининг қувончи

Оҳангарон шаҳри ва районидagi сай-ловчилар Тошкент-қишлоқ сайлов окру-ғида СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кў-рсатилган Ўзбекистон К(б)Ш Марказий Ко-митетининг секретари Уртоқ М. Ф. Ваҳо-бов билан учрашди.

Ингилишда фақир шайх ўртоқ Ур-ванов отанин нутқ сўзлади: — Мамакатимизнинг барча меҳнат-қашлари СССР Олий Совети депутатлиги-га умумхалқ номзоди улуг йўлбошимчи ва устозимиз ўртоқ Сталин номини дига-га қилиб сайлов кунига қандай тай-ёвланмоқдалар,—деди ўртоқ Урванов. — Биз 12 мартда коммунистлар билан пар-тиячилар Сталинча блокнинг номзо-длари учун яқинлик билан овоз берамиз.

Уртоқ Урванов Оҳангарон воқиссида юз берган катта ўзгаришлар ҳақида гапир-ди. Бу ерда янги Янгиаристон қиш-лоғи ўрнида Ўзбекистон қириқчиларининг шаҳри қат кўтарилди. Бу ишда рес-публика партия ташкилотининг хизмати гоят каттадир. Уртоқ Малдон Гафурович Ваҳобов республика партия ташкилот-тининг раҳбарларидан биридир. Уртоқ Ур-ванов Ингилиш қатнашчиларини ком-мунистлар билан партиясизлар Сталинча блокнинг муносиб номзоди Ўзбекистон К(б)Ш Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. Ф. Ваҳобов учун ақллилик билан овоз беришга чақирди.

Оҳангарон шаҳар партия комитети хо-

ти-қилар ўртасида ишлаш бўлимининг музир ўртоқ Зуфарова мишбарга чиқа-ди. У. Совет ҳокимияти ўзбек хотин-қиз-ларига озолик, бахтли ҳаёт берганлиги ҳақида гапирди, халқ ҳақида тинмай гамхўрлик қилаётганликлари учун пар-тияга ва конажон Сталинга чин қалб-ли танмақурур иҳор қилди.

— Ма,—деди ўртоқ Зуфарова,—ком-мунистлар билан партиясизлар Сталинча блокнинг номзодлари учун овоз беришим билан, ўзбек хотин-қизлари, Совет Иттифоқининг халқлари янада мадания, фаровон турмуш кечиринлар учун овоз берган бўламан.

Ингилишда ўртоқ Сталинга балад руҳ билан табрик хати қабул қилинди.

Халқ номзодлари учун овоз берамиз

АНДЖОН. («Қизил Ўзбекистон» мух-биридан). «Строммашина» заводининг иш-чилари, хизматчилари ва шаҳар атрофидаги колхозларнинг а'золари СССР Олий Совети депутатлигига номзодлари кўрсатилган Мансур Мирзааҳмедов ва Маширхон Аҳ-мадалиева ўртоқлар билан учрашди учун завод қабулга тушди.

Завод касаба овоз комитетининг раиси ўртоқ Ничайкин Ингилишнинг очди. 82-чи сайлов округининг ишончли вакили ўртоқ Марков ўз сўзида халқимизнинг содиқ фарзанди ўртоқ Мансур Мирзааҳмедовнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти ҳа-

қида муфассал гапирди. У. барча сайлов-чилари 12 март — сайлов кунига ком-мунистлар билан партиясизлар блокнинг номзоди ўртоқ Мирзааҳмедов учун ақли-лик билан овоз беришга чақирди.

Ингилишда сўзга чиққан ўртоқ Ман-сур Мирзааҳмедов сайловчиларга чин қал- билан ташаккур билдирди. Сайловчилар Иттифоқ Совети депутатлигига 560-нчи Анджон сайлов округидagi овозга қўй-илган ўз номзодлари — Ворошилов районидagi «Райрат» колхозининг раиси ўртоқ Маширхон Аҳмадалиева билан ҳам учрашди.

Ишончли вакил ўртоқ А. Қаримбоева сўзга чиқиб, ўртоқ Аҳмадалиеванинг кол-хоз хўжалигини юксалтириш йўлида қилган хизматлари ҳақида гапирди.

Ингилишда сўзга чиққан сайловчилар 12 март — СССР Олий Советига сайлов кунига халқимизнинг содиқ фарзандлари Мансур Мирзааҳмедов ва Маширхон Аҳ-мадалиева ўртоқлар учун овоз берама-ларини айтишди.

Учрашув қатнашчилари халқлар доҳи-си ўртоқ Сталинга узоқ олқишлар билан табрик телеграммаси қабул қилди.

ЧОРВА ЯЙЛОВЛАРИДА

Поезд Қарши станциясидан Сталин-ободга қараб юрар экан, қақтдек текис ва кенг яйловлар бошланди. Бетобей яйлов-ларда тўп-тўп поллар кўрилади. Булар—Қарши ва Гўзор яйловлари.

Бу ерларда «Нисон» ва «Гўзор» қоракўчлик совхозларининг қўйлари боқи-лади. Серўт ва кенг яйловларда эрта бақорда айлиқса ҳаёт қайнади. Ова қўй-лар кўрилади. Пунктларда тери қўриш-тиш ва уни безиланган жойларга жўнатишга киришди.

«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан) одди агитация-пропаганда ишлари кучай-иб кетди. Унлаб агитатор ферма марказ-ларида, чорва қишлоқларида жойларда ва пунктларда сайлов ҳақида Нисон ва Сталин Конституциясини чўпоналарга мол-дана-молда ўқиб тушунтирмоқда.

Коммунист Жўра Гафуров «Гўзор» сов-хозининг 2-нчи фермасида агитаторлик қилади. У. кейинги кунларда фермадаги чўпонар билан 10 марта машғулот ўтқа-ди. Агитаторлардан Хуррам Жўраев, Ис-маил Хўжаев, Хож Махмутов ва бошқа ўртоқлар «Сталин Конституцияси ва сайлов-лар», «Совет сайлов системаси — дун-

ёда энг демократик сайлов системаси», «Чорвачиликни ривожлантириш учун ил-лик вакил ва бизнинг вакилларимиз» деган темаларда лекция ўқидилар. Соҳода 2 та агитатор ва бир агитацияни ташкил этишди.

Агитаторлар шу кунларда Бутун Иттифоқ коммунист (большевик)лар пар-тияси Марказий Комитетининг барча сай-ловчиларга қарата ёлган мувожаатни чўпоналарга ўқиб, тушунтириб бермоқда-лар. Улар партия Марказий Комитет-тининг мувожаати жаваб ўз ишмаларида инги мажбуриятлар олмақдалар. «Нисон» совхозининг кенса чўпони Шу-курбобо Турдиев ҳар 100 она қўйдан 120 қўян олшига вада берди.

Отоқли фан арбоби

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси-нинг президенти ўртоқ Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов 1915 йилда Анди-жон областининг Шаҳристон қишлоғида (ҳовриг Сталин районида) деҳқон оил-асида туғилди.

Уртоқ Саримсоқов 1931 йилгача ўрта мактабга ўқиди, сўнгра Урта Осиё Дав-лат университетининг физика-математи-ка факультетига киришди. Уртоқ Сарим-соқов а'зо ўқиб, университетни муваффа-қият билан тамомлади ва илмий ишларга қизикқани учун, математика кафедраси-нинг аспиранти қилиб қақирлиди.

1938 йилда ўртоқ Саримсоқов физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олши учун диссертация ёқлади ва САГУ доктори бўлиб ишлаган, шу билан бирга умумий математика ка-федрасининг музирлик вазифининг ҳам бажариб келди. 1940—1941 йилларида ўртоқ Саримсоқов СССР Фанлар Академияси Ўзбекистон филиалининг старший илмий ходими бўлиб ишлаган.

1942 йилда ўртоқ Саримсоқов физика-математика фанлари доктори деган илмий даражани олши учун муваффақият билан диссертация ёқлади. Шу йилнинг ў-нада ўртоқ профессор унвони берилди.



Уртоқ Саримсоқов илмий ва ўқитишчи-лик ишлари билан бир вақтда, катта раҳ-барлик ишларини ҳам бажариб келди. 1943—1944 йилларида САГУ ректори, 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-прези-денти ва 1946 йилдан бошлаб президенти вазифининг бажармоқда. Шу билан

бирга у, сибей ва илмий билимларини тарқатишчи Ўзбекистон жамияти правле-ниясининг раисидир. Уртоқ Саримсоқов-га илмий ишдаги хизматлари учун 1947 йилда Сталин мукофоти лауреати унвони берилди.

Уртоқ Саримсоқов жамоат ишларида актив қатнашиб келмоқда.

Уртоқ Саримсоқов 1944 йилда ВКП(б) сафига а'зо қилиб олинди.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди ўртоқ Саримсоқов 1947 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. 1949 йилда Ўзбекистон коммунистлар партиясининг X с'езидида ўртоқ Саримсо-қов Ўзбекистон К(б)Ш Марказий Комитетининг а'золигига сайланди.

СССР ҳукумати ўртоқ Саримсоқовнинг катта илмий ва жамоат ишларига юксак баҳо берди. У икки марта Ленин ордени билан, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида кўрсатган шайвотли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

Уртоқ Тошмуҳаммад Алиевич Саримсо-қов 91-нчи сонли Самарқанд қишлоқ сайлов округидан Миллатлар Совети депу-татлигига номзод қилиб рўйхатга олин-ган.

РОБИНА МАЖИДОВА

Бухоро область, Гиждувон районидagi Стаханов номи колхозининг раиси Робина Мажидова 1926 йилда Бухоро область, Гиждувон район, Шўрстон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1930 йилда колхоз тузилгани билан Робинани отаси шу колхозга а'зо бўлиб киришди.

Уртоқ Мажидова 1940 йилда 7 йиллик мактабни тугатиш ва Стаханов номидаги колхозда таъбишчи бўлиб ишлаш бошлади. У. ўша йилдаёқ комсомол сафига киришди. Соргайрат, ма'лумоғил бу қиз колхозда ҳалол меҳнат қилуши, жамоатчи, энг ях-ши агитатор бўлиб таъбишди.

Уртоқ Мажидова 1942 йилда Бўдан қишлоқ советининг секретарилигига кў-тилди. Бу ерда у меҳнат ташкилотчи экан-лигини кўрсатди, фронтда кетганларнинг оиласини ёрдам кўрсатишда айлиқса кат-та ишлар қилди.

1948 йилда Стаханов номидаги колхоз а'золари Робина Мажидовани колхоз прав-ленийсининг раиси этиб сайландилар. Ур-



тоқ Мажидова бу ишда ҳам ўзини кўрса-та олди. У. колхоз хўжалигини мустақ-

камлаш йўлида зўр фаолият кўрсатди. Стаханов номидаги колхоз областнинг янгор қишлоқ хўжалик артельлари қато-рига ўтди. Жамоат чорвачилиги ўқиди, молларини сонин анча кўнайди. Болвос давлатга топшириданги маҳсулотларининг ҳаммасини батамом бажарди.

Уртоқ Мажидова жузда катта жамоат ишларини олиб бормоқда. У. Гиждувон район ва Бўдан қишлоқ меҳнатқашлар депутатлари Советларига депутат қилиб сайланган. Уртоқ Мажидова Гиждувон район ва Бухоро область комсомол коми-тетларининг а'зосидир.

Совет ҳукумати йилларида ўсиб етиш-ган, Ленин—Сталин комсомол сафига тарбияланган Робина Мажидова бутун куч ва билимини Ватанга, халққа хизмат қи-лиш учун сарф этмоқда.

Уртоқ Робина Мажидова 94-нчи Бу-хоро қишлоқ сайлов округида Миллат-лар Совети депутатлигига номзод қи-либ рўйхатга олинди.

# СОВЕТ ХУКУМАТИНИНГ ФИНЛЯНДИЯ ХУКУМАТИГА ЖАВОБИ

21 январда Финляндия вакили К. Суидстрем жаобларан СССР Хукумати Финляндияга турган ва совет граждандаридан бўлган ҳарбий жиноятчилар тўғрисида 1949 йил 3 декабрдаги баёнотида Финляндия Хукумати томонидан жавоб беришга шарт қилинган баёнотга Финляндия Хукумати 21 январдаги баёнотига ўзини бошқариш вакили А. А. Громико тошдири.

Совет Хукумати нима учун Финляндия Хукумати мазкур ҳарбий жиноятчиларни ҳозиргача совет ма'мурларига топширмаётган деб қўйган саволига Финляндия Хукумати ўз баёнотида жавоб қайтаришдан ҳақиқатда бош тортди. Шу билан бирга, Финляндия Хукумати айтишича, гўё у Финляндияда совет граждандаридан бўлган ҳарбий жиноятчилар борлигини тамомла хабарсиз эмиш, фақат Финляндия ма'мурлари томонидан ушланган 4 кишинингина билар эмиш.

28 февралда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Урибосари А. А. Громико Финляндия вакили К. Суидстрем жаобларини қабул қилиш ва унга Финляндия Хукумати 21 январдаги баёнотига Совет Хукумати томонидан жавоб беришни топширди.

Совет Хукумати жаобда кўрсатилган, Финляндия Хукумати Финляндия территориясида совет граждандаридан 300 дан ортиқ ҳарбий жиноятчи борлигини тўғрисида Финляндия Хукумати ҳеч қандай ма'лум эмас дейиши тамомла асоссиз гап. Шу нарсага асосланган ҳолда, Финляндия армияси бош штабидан 1947 йил 5 февралдаги ахборотида ва Финляндиянинг барча полиция ма'мурларига 1947 йил 30 июньда юборилган рўйхатда совет граждандаридан бўлган ва Финляндияда туриб қолган, уруш вақтида бош ставканинг разведка ва ахборот бўлимларида, шунингдек Финляндия армиясининг 3-чи ва 6-чи кўнгилда батальонларида ва бошқа бўлимларида хизмат қилган, яъни Совет Иттифоқидаги нисбатан хонинг қилган 350 дан ортиқ ҳарбий жиноятчиларнинг номлари бор эди. Иттифоқ Контроль Комиссияси шу кишиларнинг ҳаммасини ушлаб беришни бир неча марта талаб қилди. Демак, Финляндия Хукумати мазкур жиноятчиларнинг маълум қисмига қўйилган йўл бермай, уларни ушлаб олиш учун ҳамма имкониятларга эга эди. Брок, у 1947 йил 5 сентябрда шулардан бери йўл 24 кишининга совет ма'мурларига топширди. Бу фактлар Совет Хукумати томонидан ҳарбий жиноятчилар деб айбонланган мазкур кишиларнинг ҳаммасини Финляндия Хукумати ма'лум ва уларни Финляндия ма'мурлари совет ма'мурларига топширишга учун яшироқлар деб айтишга тўла асос беради.

56 ҳарбий жиноятчиларнинг рўйхати келганда, Финляндия Хукумати жаобинда ма'лум бўлишича, Финляндия ма'мурлари шу рўйхатдаги жиноятчилардан 4 кишинингина ушланганлар ва гўё бу 4 киши совет ма'мурларига топширилган эмиш. Финляндия хукумати бошқа жиноятчилар тўғрисида берган ма'лумотга булардан 24 киши маълум қилинган қочиб кетганини, 22 таси тўғрисида Финляндия Хукумати қўйма гўё ҳеч қандай ма'лумот йўқлигини билдири.

Гўё Финляндияда қочиб кетган 24 киши тўғрисида бу ма'лумотларни текшириш натижасида ма'лум бўлиши, шу кишилардан баъзиларнинг қочганини тўғрисида Финляндия ма'мурларининг Иттифоқ Контроль Комиссиясига ўша вақтда берган ма'лумотлари текширилмасдан берилган экан, чунки кейинчалик Финляндия полиция ма'мурлари бу кишиларни Финляндияда туриб деб ҳисоблаб, уларни қидираётганлигини а'ён қилишга мажбур бўлишди. Масалан, Петри, Явнен, Кокконен, Ифантьев, Ремшу, Фофанова нисбатан шундай қилишди. Гўё совет ма'мурларига топширилган деб айтилган тўрт жиноятчи келганда, текшириш уларнинг айтишича совет ма'мурларига топширилганини тасдиқламади. Финляндия Хукумати 22 жиноятчи тўғрисида гўё ҳеч қандай ма'лумотга эга эмаслигини билдириган, бу 22 жиноятчи орасида равақанининг 18 ағенти, совет территориясида оқулатилиб қилиб турган вақтда полициячи бўлиб ишлаган 2 киши ва Финляндия армияси бош ставкаси ахборот бўлимининг 2 ходими бор. Финляндияда яшоб турган совет граждандарининг 1946 йил 21 октябрда Иттифоқ Контроль Комиссиясига юборилган рўйхатда шу жиноятчилардан бир қисмининг (Ларинен, Левков, Симонов ва бошқаларнинг) аниқ адреслари кўрсатилган эди. Демак, бу 22 кишининг қарига турганини Финляндия Хукумати ма'лум эмас эди деган гап бутунлай асоссиздир.

Совет Хукумати Финляндия ма'мурлари томонидан баъзи жиноятчиларга қўйилган ҳужжатлар берилганини тўғрисидаги баёнотини Финляндия Хукумати рад қилишга урунган, амуно у ўз жаобинда «яраш тўғрисидаги битим имзоланганига қадар ва шундан кейингача бир неча марта шундай ҳолатлар бўлган эми» деб бўйига олишга мажбур бўлди. Финляндия полиция муассасаларида 1947 йил 30 июньда юборилган жиноятчилар рўйхатига кўйилган ма'лумотларнинг мувофиқ бўлишига асосланган ҳолда, «яраш битими тузилган вақтда ёки яраш битими тузилгандан кейин яширилиши учун ўз фамилияларини ўзгартирилган», шу билан бирга, «тузилган йилларига қараб тузилган рўйхатнинг ёрдам билан кўй қалган гувоҳномалар топилган» деб кўрсатилган эди.

Ана шу фактларнинг ҳаммаси, — дейилди Совет Хукумати жаобинда, — Финляндия Хукумати Суэх Шартномасига қўйилган мажбуриятларни бажаришга эришганига қарамай, унинг ўз мажбуриятларини бажаришидан қочганини, Суэх Шартномасини ва ҳуқуқ, ҳақдорлик ва ўзаро ёрдамчилик Шартномасини бузувганини кўрсатади. Совет Хукумати яқрида айтилганларга қўра, Финляндия Хукумати жаобни қўйишга жавоб эканлигини билдири.

## «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

### „Ўтган йилги хатолар такрорланаёттир“

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 16 февраль сонидан яқридаги саранда остида бир мақола босилди, унда Фарғона областининг Охунбобоев районига қўйилган тайёргарлик ишлари ҳақдан ташқари сўст бораётганлиги таъкид қилинган эди. Ўзбекистон К(Б) Охунбобоев район

комитетининг секретари ўртоқ Қошимов бу мақола район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинганлигини, унда кўрсатилган фактларнинг тўғри топилганлигини ва уларни тугатиш учун тегишли тадбирлар белгиланганлигини раъқиямга ҳабар қилди.

# Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ишини янада яхшилашлик

ВБП(6) Марказий Комитетининг февраль пленуми қарорлари урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг катта программаси бўлди. ВБП(6) Марказий Комитетининг февраль пленуми партия ва совет ташкилотларининг, санаот корхоналарининг раҳбарларидан тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисмлар ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажаришга куч ва қувватларини сафарбар қилишни талаб этди. Партия қишлоқ хўжалигини жуда қисқа вақт ичида кўчди техника билан қўралантириш вазифасини қўйди.

Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида партия ва хукумати, шақсен ўртоқ Сталин томонидан ўзбек халқи олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятдан ҳал этилиши кўп жиҳатдан пахтачиликни комплекс асосда машиналаштиришга, қишлоқ хўжалигини зарур машиналар ва асбоблар билан етарли таъминлашга боғлиқдир. Бу соҳада республикамиздаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари эсимасга катта ва муҳим вазифалар юқлатилган.

Ўзбекистон машинасозлик саноатининг ходимлари, биринчи гада, қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноатининг ишчи, янвонер-техник ва хизматчилари республикада пахтачиликни юқсальтириш учун курашда ўз ҳиссаларини қўймоқдалар. Сўнгги йилларда пахтачиликнинг келг қўлма машиналаштиришнинг машинасозлик саноати ходимларининг самарали ишлаб чиқариши натижасидир.

жада ишлаб чиқариш, машина-трактор станциялари, чорва-фермалари учун, қолқоқ қишлоқ учун зарур машина ва асбобларини ўз вақтида етказиб бераётдилар, деб айтиб бўлмайди.

Ўтган йил «Ўзбексельмаш», «Чирчиқсельмаш» ва «Ташсельмаш» заводлари маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажаришга, «Ўзбексельмаш» заводи асос ишлаб чиқариш планини бажаришга устига, 1948 йилда нисбатан 35 процент кам машина ишлаб чиқарди.

Бу заводларнинг ишчилиги асосий қисмида қишлоқдан бири маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ёмон таъини аниқлаштирилди. Заводларнинг директорлари ва бош инженерлари оператив планлаштириш ишини ташкил қилиш масаласида етарли «тўғри» беришди. Ишлаб чиқариш-план бўлимларининг ходимлари асос таъини пехларнинг имкониятларини ҳисобга олмасдан, қаматирилган топшириқлар бериб келмоқдалар. Натijasла, ишлаб чиқариш пехларнинг айрим тормоқлари ўртасида нисбий тенгсизлик юз бериб, айрим қисми деталларни ишлаб чиқариш билан оғира бўлиб, асосан машиналарнинг ишлаб чиқариш ойнани охириги ўн қувватига мўлжаллаб планлаштирилди. Заводларнинг бир ме'орда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмоқда.

Бу заводларда ишчиларга меҳнат унумини ол саяли ва қаврат сайли тобора ошириш учун қулайлик берилган шартлар тузилган. Шу савобли, «Ўзбексельмаш» заводи ўтган йил меҳнат унумини ошириш планини 31,2 процент кам бажарди. Бу асос ишлаб чиқариш планининг бажаришга қўйилган сабаб бўлди.

# Барча куч ва имкониятларни кўклам дала ишларини кучайтиришга сафарбар қилайлик!



Самарқанд область Пастдаргом районидagi 1-чи МТСнинг коллективи СССР Олий Советига селлолар шарафига трактор ремонтни областда биринчи бўлиб тамомлади. Суратда: Давлат комиссиясининг а'золари ремонт қилинган тракторларни кўздан кечираётдилар. А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Пахта ерларини ҳайдаш бошланди

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Озтириқ районидagi МТСнинг тракторчилари СССР Олий Совети селлолар шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилди, ер ҳайлаши март ойидан бошлаш ва чигит ақини 5 апрельгача тамомлаш мажбуриятини олган эдилар.

Трактор ремонтини ҳаммадан илгари сифатида қилиб тамомлаган тракторчи ўртоқ Исҳоқ Мирқосимов «Ҳақиқат» колхозиди пахта ерларини ҳайлашга киришди. У, 26 февральда 3 ярим гектар, 27 февральда 4 гектар ва 28 февральда 6 гектар ер 25 сантиметр чуқурликда ҳайдади.

Шунингдек, тракторчи ўртоқ Турсунбой Тешабоев Максим Горький номи колхозда кейинги икки кунда 7 ярим гектар ернинг сифатини қилиб ҳайдади.

Районнинг «Қизил қўшн», «Қизил Ўзбекистон» ва «Янги турумуш» колхозларида ҳам пахта ерларини ҳайлаш бошланди. Районда 1 мартга тракторлар билан 113 гектар пахта майдони ҳайдалди.

Х. ИКРОМОВ.

## Дўрмон қишлоқ совети кўнлам экишига суст тайёрланмоқда

Оржоникиде районидagi энг кўп пахта экидиган Дўрмон қишлоқ совети ўтган йилги пахта тайёрлаш планини бажара олмайди. Республика пахтачилик илгорулари VI курултойи вакиллариининг мувожаатига жаваб, қишлоқ советидagi 6 колхознинг пахтакорлари оширилган мажбуриятлар олдидлар. Қишлоқ советида бу йил ҳар гектар ердан энг қами 30 центнердан пахта етиштирилиши керак.

Айрим колхозларда, айниқса ўтган йилги пахта тайёрлаш планини бажармаган колхозларда кўклам экишига тайёргарлик ишлари ёмон аҳволда. Масалан, «Қадрлик» колхозининг оилали. Бу колхозда қишлоқ хўжалик асбобларининг кўп қисми ремонт қилиш учун устaxonага келтирилмаган. 146 гектар пахта ерига бори-йўри 56 тонна маҳаллий ўгат чиқарилган. Ишчи кучлардан тўғри фойдаланмаслиги, меҳнат иттиозини мустақамлашга «тўғри» бермаслиги натижасида қилинади, эвенларда кўклам экишигача қилиниши керак бўлган муҳим ишлар бажарилаётган. Колхозда ерларни текислаш, марзаларни ерга солиш ишлари кучайтириб юборилган эмас.

Лекин кўклам экишига тайёргарлик ишларининг бориши олдинга мажбуриятга мўталоқ жавоб бераолмайди. Қишлоқ советидagi колхозлар давлатдан берилган 1.258 тонна минерал гўддан энди 598 тоннасини ташиб олдидлар. Ариқ-зовурларни қазини, далага маҳаллий ўгат чиқариш ишлари ҳам жуда суст бораёттир. Қишлоқ хўжалик асбобларининг ярим ҳам қали ремонт қилингани йўқ.

Кўклам экишига тайёргарликдаги бундай жиддий камчилиқлар қишлоқ советидagi «Азамат», Буржея номи, Оржоникиде номи колхозларида ҳам юз бераёттир.

Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари Дўрмон қишлоқ советидagi колхозларда кўклам экишига тайёргарликни ҳар қандай қулайтириш учун тегишли тадбирларни кўришлари керак.

О. ЮНУСОВ.

## Колхозларда ишлаб чиқариш планларини тузиш тезлатилсин

Ҳозир колхозларда ишлаб чиқариш планлари, кириш-чиқим сметалари, бригада, эвенно ва чорвачилик фермалари учун ишлаб чиқариш топшириқлари тайёрланмоқда. Бу планларни тузаган вақтда 1949 йилги хато ва камчиликлар «тўғри» олиниши керак.

чиқим сметалари тузишда колхозларда доимий ёрдам бериб туришга мажбур эканликларини унутиб қўймоқдалар.

1949 йилда республиканиннг аччагина колхозларида хўжалик тўғри планлаштирилганлиги, ҳамма моддий техника имкониятларидан тўла фойдаланганлиги, ишлаб чиқариш плани ва кириш-чиқим сметаларида белгиланган тадбирлар амага оширилганлиги тўғрисида пахтадан мўд ҳисса етиштирилди, белгиланган хўжалик планлари бажарилади, нул ва натура даромадлари ошди.

Республиканиннг ҳамма колхозларида ишлаб чиқариш планлари шу йил 1 мартга тузиб бўлиниши керак эди. Лекин қўнчили колхозларда бу иш белгиланган муддатда тамомланмади.

Аммо 1949 йилда ишлаб чиқариш планлари ва топшириқлари тузишдан вақтда жиддий камчиликларга йўл қўйилди.

Бу муҳим ишда ўтган йилги хатоларнинг такрорланшига йўл қўймаслик учун партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари, агрономлар, зоотехниклар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари ишлаб чиқариш планларини ҳамда сметаларни тузишда колхозларга ҳар қандай ёрдам беришлари керак. Ишлаб чиқариш планлари ва кириш-чиқим сметалари колхозчиларнинг умумий йиғилишларида кенг муҳокама қилиниши лозим.

Район қишлоқ хўжалик бўлими ва МТС ларнинг айрим раҳбарлари, шунингдек қишлоқ хўжалик мутахассислари бу муҳим ишдан ўзларини четлатиб қўйиб, план ва сметалар тузишда колхозчиларга амалий ёрдам кўрсатмайдилар. Масалан, Самарқанд районидagi Пўшкани номи колхоз оғит хўжалик бўлиб, унга 4 та агроном брикети қўйилган. Шунга қарамай, колхозда ишлаб чиқариш плани ва бригада, эвенно ҳамда фермаларга топшириқлар тузиш фақат ҳисобчининг ўзига юқлатиб қўйилган.

Ишлаб чиқариш планларида меҳнатнинг уюштирилиши яхшилаш, меҳнат унумини ошириш ва мавзуд ҳамма моддий-техника имкониятларидан тўла фойдаланиш тадбирлари асос этирилиши лозим.

Бешкент районидagi йирик галлакор-ўрғичлик хўжалик ҳисобланган «Саноат» колхозда ишлаб чиқариш плани район қишлоқ хўжалик бўлими томонидан беришган агрономнинг иштирокисиз тузилган. Планада белгиланган тадбирлар колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинмаган.

Шу мақсадда иш нормаларини ва нархларини, шунингдек чорвачилик бригадалардаги ходимларнинг иш нормаларининг илгору бригада, эвенно ва айрим колхозчилар эришган натижалар нуқтани назардан қайтадан кўриб чиқиш зарур. Бригада ва эвеннолар тўғри тузилиши, иккинчи даражали ишларда бани бўлган колхозчилар билан тўлағавлаши, ер, от-узо ва асбоблар бригадаларга ақт билан бериш берилиши керак. Қишлоқ хўжалигининг айрим тормоқларида, бригада, эвенно ва фермаларда меҳнат кунларини сарфлаш масаласига алоҳида «тўғри» берилиши лозим.

Босонсой районидagi Калинин номи ва Уйчи районидagi «Маданият» колхозларида ишлаб чиқариш планларига «тўғри» берилмаганлиги натижасида, энди майдонлари от-узо сонини назарга олмай, бериш беришган. Қува районидagi Карл Маркс номи ва Максим Горький номи, Тўрақўрғон районидagi Фўризе номи ва Бағанович номи колхозларида ер, асбоб ва от-узо бригадаларга юзак бериш беришган. Иш нормалари ва нархлари қайтадан кўриб чиқилмаган.

Колхозларнинг ишлаб чиқариш планларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик эканларининг ҳосилини ошириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтариш, алмашлаб экин далаларида экинларни тўғри жойлаштириш, янги ерларни ўлдиртириш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини янада ривожлантириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланиши керак.

Ишлаб чиқариш планлари ва топшириқларини тузишда йўл қўйилган нуқсонлар меҳнат унумини, техникадан унумини фойдаланишга, қишлоқ хўжалик эканлари ҳосилига ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ёмон таъир қилади.

Колхозларнинг ишлаб чиқариш планларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик эканларининг ҳосилини ошириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтариш, алмашлаб экин далаларида экинларни тўғри жойлаштириш, янги ерларни ўлдиртириш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини янада ривожлантириш юзасидан катта, мас'улиятли вазифалар турибди.

Республиканиннг айрим областларидagi колхозларида 1950 йил учун ишлаб чиқариш планлари ва топшириқлари тузиш райони совет, партия ва қишлоқ хўжалик органлари бу муҳим ишга етарли раҳбарлик қилаётганликлари сабабли, жуда суст бораёттир. МТС лар ҳам бу ишга ақли ёрдам бериш беришган. Баъзи МТСларнинг директорлари ва агрономлари мувофиқ ишлаб чиқариш планлари ва кириш-чиқим сметалари тузишда

Шунинг учун ишлаб чиқариш планларини тезроқ тузиб бўлиш гоат катта аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш планлари, кириш-чиқим сметалари ва иш топшириқларининг ўз вақтида тўғри тузилиши колхозлар олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятдан бажарилишини таъминлайди, жамоат хўжалигини янада ривожлантиришга ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустақамлашга ёрдам беради.

### С. ТЕР—СТЕПАНАНЦ.

СССР Хукумати ҳузуридagi Колхоз ишлари кенгаши Ўзбекистон ССР-дagi вакилининг таъини.

